
Фуқаро мурожаати ўрганилди.

Телеграм ижтимоий тармоғи орқали Қува тумани Толмазор маҳалласида яшовчи фуқаро томонидан ички йўлларни асфальтлаштириш масаласида йўллаган мурожаати тегишли масъуллар иштирокида кўриб чиқилди.

Мазкур муаммони ўрганиш якунлари юзасидан қуйидагилар аниқланди. Хусусан ушбу Толмазор маҳалласи ишчи гуруҳ хулосаларига асосан, халқ депутатлари Қува туман Кенгашининг 2022 йил 10 февралдаги «Маҳаллий Бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида»ги VI-35-21-11-156-К/22-сон қарори билан тасдиқланган намунавий Низомнинг, 2022 йил 15 июль кунги VI-41-116-11-156-К/22-сон «Туман бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, 2022 йилнинг 15 июлидан 17-сентябрга қадар ўтказилган уч босқичдан иборат жамоатчилик фикри асосидаги тадбирларида энг кўп овоз олган ҳамда «Очиқ бюджет» ахборот порталида автоматик тарзда ёлиб сифатида танлаб олинган.

Юқоридагиларга кўра жорий йилнинг 4-чорагида ушбу маҳалланинг 3 км ички йўллари 1 млрд. 134 млн.сўм маблағ сарфланиб асфальтлаштирилиши режалаштирилган.

2022-10-06 19:50:55